Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 14-may № 60 (2941) shanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Моҳият

Иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

VI УМУМЖАҲОН СУВ ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚУТЛОВ МУРОЖААТИ

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик доирасидаги минтақавий конференция иштирокчиларини — нуфузли экспертлар, олимлар, халқаро ташкилотлар, экологик ҳаракатлар ва молия институтлари вакилларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азал-азалдан бизнинг минтақамизда сув энг азиз неъмат, ҳаёт ва фаровонлик манбаи сифатида қадрланган, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Икки азим дарё — Амударё ва Сирдарё асрлар давомида Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини, суғориладиган деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун зарур бўлган даражада сув билан таъминлаб келган. Айнан шу заминда кўп асрлар муқаддам сайёрамизда биринчилардан бўлиб ирригация ва сувдан самарали фойдаланиш тизими яратилган.

XXI аср бўсағасида Ўрта Осиё халқлари учун, сайёрамизнинг бошқа кўплаб минтақаларида бўлгани каби, сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи муҳим ҳаётий аҳамият касб эта бошлади. Чунки ўтган асрнинг иккинчи ярмида йирик трансчегаравий дарёлардан узоқни ўйламай фойдаланиш оқибатида минтақамиз экологик ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Бир авлод умри давомида ноёб ва гўзал денгиздан қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланган Орол фожиаси бунинг яққол далилидир. Бир пайтлар гуллаб-яшнаган Оролбўйи ҳудуди эса бугунги кунда аянчли саҳрога айланмоқда.

Инсон ҳаёти, саломатлиги, миллат генофондига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар оқибатида нафақат бевосита экологик ҳалокат ҳудудида яшовчи аҳоли, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси доимий экологик таҳдид остида қолмоқда.

Сув ресурслари тақчиллиги, суғориладиган экин майдонларининг яроқсизланиши, ҳайвонот ва наботот дунёсининг кескин қисқариши, иқлим ўзгаришлари, шунингдек, минтақадаги асосий дарёлар сув оқимининг катта қисмини ташкил қиладиган Помир ва Тянь-Шань тоғларидаги музликлар эришининг тезлашуви — булар Орол фожиаси келтириб чиқарган оғир оқибатларнинг бир қисми, холос.

Айнан шу сабабли минтақадаги трансчегаравий дарёлар бўйида жойлашган давлатларнинг ҳаётий эҳтиёжларини азал-азалдан таъминлаб келган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бугунги кунда алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд кишининг тақдири сув ресурслари, биринчи галда, трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш бўйича ҳар томонлама пухта ўйланган ёндашув ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон V Умумжаҳон сув форумининг ичимлик сувидан фойдаланиш имкони инсоннинг энг асосий ҳуқуқи экани, сув тақчиллиги энергетик ва молиявий инқироздан кўра хавфлироқ экани тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлайди.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, сув ресурсларининг ялпи тақчиллигини, ҳалокатли техноген, экологик, иқтисодий ва ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган лойиҳаларнинг амалга оширилиши сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини катта хавф остида қолдиради.

Суғориладиган деҳқончилик барқарорлиги ва вегитация даврида сув ресурсларининг етарли даражада бўлишига бевосита боғлиқ бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўта муҳим бўлиб турган ҳозирги шароитда бу масала айниқса долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу жиддий таҳдидларни инобатга олмаслик барқарор ривожланиш истиқболларини ҳамда Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ерда яшашини хавф остида қолдиради.

Бундан ташқари, янги улкан гидроиншоотлар қурилиши мўлжалланаётган жойлар бир неча маротаба 9 балли зилзилалар содир бўлгани исботланган ва тасдиқланган кучли сейсмик зонада жойлашган. Мазкур ҳудудда, илгари ҳам бир неча бор кузатилганидек, кучли ер силкиниши содир бўлса, тузатиб бўлмайдиган, юз минглаб одамларнинг ҳаётини хавф остида қолдирадиган техноген ҳалокат юз бериши мумкин.

Бугун инсоният олдида табиатни ҳозирги ва келгуси авлодлар учун асраб-авайлаш, уни одамлар турмуш шароитига салбий таъсир кўрсатадиган, табиатдан фойдаланиш бўйича шаклланган тизимни бузиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдидлардан ҳимоя қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Шу маънода минтақамиз халқлари учун трансчегаравий дарёлардан умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва қоидалар асосида фойдаланишни кафолатлайдиган, ҳар бир томон учун тенглик, ўзаро манфаат ва адолатни таъминлайдиган самарали минтақавий ҳамкорлик механизмларини яратиш ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, минтақавий ва глобал даражада гидрологик балансни сақлаш, сув ресурсларини асраш ва тежаш, сувдан фойдаланиш ҳажмини камайтиришни таъминловчи деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш — булар ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ғоят муҳим масалалар бўлиб, биздан алоҳида эътибор ва ўзаро манфаатли муҳокамани талаб қилади.

Тошкент минтақавий конференцияси якунлари келгусида БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари дастури ижросини таъминлаш йўлидаги самарали ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам асос бўлади ва VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик кўришга салмоқли ҳисса қўшади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Конференциянинг барча иштирокчилари ишига юксак самара ва муваффақиятлар, келгусидаги муҳим ва хайрли фаолиятига зафарлар тилайман.

Самимий эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибхи Патилнинг таклифига биноан 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлигининг 2011 йил 1 июндан ходимларининг йиллик ўртача сони 50 кишидан 100 кишигача кўпайтириладиган кичик корхоналарнинг фаолият турлари рўйхатини 1-иловага мувофиқ кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. 2011 йил 1 июндан қуйидагича тартиб белгилансин:

янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлмаслиги керак;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир бараварига тенгдир;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинади, хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган намунавий таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2011 йилнинг 1 июнидан муассислар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра интернет тармоғи орқали фирмали номларнинг марказлашган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирмали номланишини захира қилиб қўйиш амалиётини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Миллий ахборот агентлиги ва Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг мазмунини, мамлакатимизда тадбиркорликни янада жадал ривожлантиришдаги уларнинг аҳамиятини очиб берувчи кенг кўламли тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 12 май

Бугунги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида

Тошкентда 13 май куни «VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар» мавзуидаги икки кун давом этган халқаро конференция ўз ишини якунлади. Мазкур анжуман 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёни доирасида Умумжаҳон сув кенгаши кўмагида ташкил этилди.

Асқар ЁКУБОВ (ЎзА) олган сурат

Конференцияда дунёнинг 32 мамлакатидан 400 дан зиёд экспертлар, олимлар, экологлар, сув хўжалиги соҳаси мутахассислари, ўттизга яқин нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди. Улар Марказий Осиёдаги сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш, аҳолини сув билан таъминлаш ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадида минтақанинг барча давлатлари томонидан трансчегаравий дарёлар ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш билан боғлиқ қатор муҳим масалаларни муҳокама қилдилар.

Таъкидландики, Марказий Осиёда сув азалдан энг азиз табиий неъмат, ҳаёт манбаи, минтақада истиқомат қилувчи барча халқлар учун ривожланиш ва фаровонлик асоси бўлиб келган. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмидаги пухта ўйланмаган хўжалик фаолияти ҳалокатли оқибатларга, биринчи галда Орол денгизининг қуришига ҳамда минтақадаги иккита асосий дарё — Амударё ва Сирдарё ресурсларининг камайишига олиб келди. Оролбўйидаги экологик ҳалокатнинг салбий таъсири бугун нафақат Марказий Осиё давлатларига кескин салбий таъсир кўрсатмоқда, балки глобал оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Табиат бойликларига хўжасизларча муносабатда бўлиш замонлари ўтиб кетди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бу ҳақиқатни энг юксак даражадаги халқаро учрашувларда, шу жумладан, 2010 йилнинг сентябрида БМТ Мингйиллик саммитида ҳам бир неча бор таъкидлади, жаҳон ҳамжамиятини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга, шу жумладан, Орол экологик инқирози оқибатларини енгиб ўтишга даъват этди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари конференция иштирокчиларига қутлов мурожаатида минтақада сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш масаласи муҳим ҳаётий аҳамият касб этади, деб таъкидлади.

Конференция иштирокчиларининг чиқишларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда сувдан фойдаланишнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ривожланиш вазифаларига, Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга жавоб берадиган замонавий тизимини яратишга йўналтирилган ва узоқни кўзлаган оқилона сиёсати юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Ўзбекистонда сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқаришни (СРИБ) кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ирригация тармоқлари модернизация қилинмоқда, сувдан фойдаланишни ҳисоблаш тизими такомиллаштирилмоқда, сувни тежашни иқтисодий рағбатлантириш усулларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқарувчилар ва аҳоли ўртасида фаол тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бугунги ва келажак авлодлар фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ажралмас қисмидир. Ўзбекистон табиий ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, иқтисодиётни ва жамиятни босқичма-босқич изчил ривожлантириш борасида бутун дунёга ибрат бўлмоқда, деб таъкидлади хорижий экспертлар.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар «Мақсаддан — ечимлар сари» мавзуидаги VI Умумжаҳон сув форуми кун тартибига киритилган. Анжуман доирасида Марказий Осиё учун сув ресурсларини сақлаш ва улардан фойдаланиш борасида долзарб аҳамиятга эга бўлган ҳар бир устувор йўналишлар бўйича давра суҳбати ташкил қилинди.

Очиқ ва амалий мулоқот руҳида ўтган конференция иштирокчилари инсон фаолиятининг барча соҳаларини ва атроф-муҳитни сув билан кафолатланган ва барқарор таъминлаш бўйича минтақавий муаммоларни кенг муҳокама қилди. Бунда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари ҳамда Амударё ва Сирдарё ўртасидаги сув ҳавзасига антропоген таъсирларнинг салбий оқибатлари ҳисобга олиниши лозим.

Муҳокама натижаларига кўра конференцияда якуний ҳужжат қабул қилинди. Унда қайд этилишича, анжуман иштирокчилари VI Умумжаҳон сув форуми кун тартибидаги минтақамиз учун устувор аҳамиятга эга масалалар бўйича келишувга эришдилар.

Жумладан, минтақанинг барча давлатлари томонидан халқаро сув ҳуқуқи меъёрлари ва тамойилларининг қабул қилиниши ва уларга сўзсиз риоя қилиниши зарурлиги эътироф этилди. Унга кўра минтақадаги ҳар бир давлат ҳудудидаги трансчегаравий дарёларнинг сув ресурслари сув оқими бўйидаги бошқа давлатларга зарар етказмаслиги, трансчегаравий дарёларда гидроиншоотларнинг барпо этилиши эса фақат мустақил халқаро экспертизанинг ижобий хулосаси ва дарёнинг қуйи оқимидаги мамлакатлар розилиги асосида амалга оширилиши лозим.

Ҳужжатда трансчегаравий сув ресурслари ва сув хўжалиги инфратузилмасини биргаликда бошқариш ва фойдаланиш, барқарор сув таъминотини кучайтириш ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида минтақа давлатларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Якуний ҳужжатда конференция иштирокчилари халқаро ҳамжамиятни ва VI Умумжаҳон сув форуми қатнашчиларини Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланиш ва экологик мувозанатни сақлашда кўмаклашишга даъват этдилар.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Ishonch

2011-yil 14-may № 60 (2941)

● Семинар

Ёзги мавсум

ҳамжиҳатликда ўтказилади

Касаба уюшма ташкилотларида болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини тўлақонли ўтказиш борасида катта тажриба тўпланган. Ва у йил сайин ортиб бормоқда. Тўпланган тажрибаларни ўртоқлашиш ва жорий йил вазифаларини белгилаб олиш учун Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида анъанавий семинар-кенгаш ўтказилди. Уни кенгаш раиси Нурилла Насимов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг бўлим мудири Шаҳодат Тўлаганова пойтахт меҳнаткашлари фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш юзасидан амалга оширилган ишларнинг ўтган йилги якуни ҳамда жорий йил тайёргарлиги тўғрисида маълумот берди.

Дарҳақиқат, ўтган йили ушбу тадбирга масъулият билан ёндошилиб, болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрлаш учун барча имкониятлар ишга солинди. Саъй-ҳаракатлар туфайли 56 та болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида 42 минг, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидан 2100 нафар фарзандларимиз ҳордиқ чиқаришди.

20 та оромгоҳнинг 16 тасида болалар тегишли корхона ҳамда ташкилотлар ҳисобидан белгиланган 12 ўрнига 15 кундан дам олдирилди. 17 та оромгоҳларда эса корхона, ташкилотлар ҳамда касаба уюшмалари билан ҳамкорликда фарзандларимизни сифатли овқатлантириш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрилди.

Шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, Чернобил фалокати оқибатини тугатиш қатнашчилари, Афғонистонда хизмат бурчини ўтаган ногиронларнинг фарзандларига ҳамда шаҳар касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти болалар ва ўсмирлар мактабларининг ўқувчиларига, Меҳрибонлик уйларининг 524 нафардан зиёд тарбияланувчиларига йўлланмалар бепул берилди.

Дам олиш мобайнида болаларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан камол топиши учун шаҳар ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар, туман бўлимлари, республика Маънавият-тарғибот марказининг шаҳар бўлими, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан фан, маданият, санъат намоёндалари, олимлар билан учрашувлар ва маданий-оммавий, спорт тадбирлари ўтказилди. Оромгоҳларга Маънавият-тарғибот маркази ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан амалий ёрдам тариқасида турли адабиётлар, кўргазмали қўлланмалар тақдим этилди.

«Геолог», «Белдирсой», «Зилола», «Сувсоз», «Алоқачи», «Гулбаҳор» каби бир қатор оромгоҳлар мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда таъминлаш бўйича шаҳар комиссияси томонидан «Энг яхши фаолият кўрсатган оромгоҳ» дея эътироф этилди. «Конструктор», «Зилола» («Ўзбеккабел») оромгоҳларини Республика болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш комиссиясига «Энг яхши оромгоҳ» сифатида тавсия этиш таклифи берилди.

Жорий йилда стационар турдаги 20 та болалар ёзги соғломлаштириш ва мактаблар қошидаги 36 та кундузги оромгоҳларда 42 мингдан зиёд фарзандларимизни соғломлаштириш режалаштирилган. Айни вақтда оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари амалга ошириляпти.

Яна бир долзарб вазифа, бу ишга тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларини тажрибали мутахассис кадрлар, шу жумладан, тарбиячилар, тўгарак ва спорт секцияси раҳбарлари билан ўз вақтида таъминлаш зарур. Кутубхоналарни болалар адабиётлари билан бойитиш, фарзандларимизнинг дунёқарашларини ўстиришга қаратилган турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларини уюштиришни янада яхшилаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг шу йилнинг 24 март куни қабул қилган «Ёзги таътил кунларида мактаб ўқувчиларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарорида ҳам мавсумни намунали ўтказиш учун бевосита алоқадор ташкилотлар вазифалари аниқ кўрсатиб берилган.

Йиғилишда шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказидан Фаина Ҳасанова, шаҳар ички ишлар Бош бошқармасидан Шерали Ниёзов, шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқармасидан Бахтиёр Пўлатов, шаҳар йўл-патрул хизматидан Оқил Рустамов, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан Ҳабибулла Исматуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзаро ҳамкорлик асосида фаолият кўрсатиш мавсумни муваффақиятли ўтказишда асосий омил эканлигини таъкидлашди ва ушбу долзарб вазифани кўнгилдагидек ўтказиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Ҳамкорлик алоқалари

битирувчининг муқим иш жойи олдиндан белгиланмоқда

Жиззах вилоятида 75 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей фаолият кўрсатаётир. Уларда 68 мутахассислик бўйича 62729 ўқувчига 5642 нафар ўқитувчи билим ва ҳунар сирларини ўргатишаяпти. Битирувчиларни доимий иш ўрни билан таъминлашда «корхона-коллеж» ҳамкорлиги жуда қўл келмоқда.

Зафаробод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 446 нафар ўқувчи қишлоқ хўжалигини механизациялаш, тикувчилик, ишлаб чиқариш, автотранспорт хизмати, молия, бухгалтерия ҳисоби, ахборот технологияси, агрономия, хўжалик фаолиятини юритиш сингари саккизта йўналиш бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда.

Барча ўқув-лаборатория хоналари замон талаблари асосида жиҳозланган бўлиб, 34 нафар ходим ёшлар билан машғулотлар олиб бораётир.

Тумандаги корхона ва иш берувчиларни коллежга бириктириш тажрибасига амал қилиниб, «корхона-коллеж» ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани қувончлидир. Бўлажак битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, коллеж ўқувчиларининг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, шу тариқа уларнинг аниқ иш жойига бириктириб қўйилиши таъминланмоқда.

Жорий ўқув йилида 102 нафар битирувчининг барчасини ишга жойлаштириш бўйича 21 та ҳамкор корхона, ташкилот ва муассасалар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

Биргина Зафаробод пахта тозалаш корхонаси «Ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш тўғрисидаги шартнома» бўйича йигирма нафар битирувчини доимий иш жойи билан таъминлайдиган бўлди.

Шунингдек, тўққиз нафар битирувчи янгидан ташкил қилинган «Агротехсервис» қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхона тизимида, Шаҳноза Жуманова, Шерзод Зокиров сингари ўнлаб битирувчи ёшлар «Бирлик», «Ёрқин» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда иш ўрнига эга бўлишади.

— Мутахассисларни ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида йигирма учта корхона ва ташкилот билан яқиндан ҳамкорлик алоқалари ўрнатганмиз, — дейди коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Лапас Тиллаев. — Ишлаб чиқариш ва битирув амалиётларини ўқув дастурлари асосида ўтказиш мақсадида корхона ва ташкилотлар ўртасида тузилаётган шартномалар сони ортиб бормоқда. Иккинчи ва учинчи босқич ўқувчиларимиздан 286 нафари амалиёт ўтамоқда. Ҳар бир битирувчининг иш жойини олдиндан белгилаш, ўқувчиларнинг амалиётни бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этиш, уларнинг аниқ бир иш жойига бириктириб қўйилишида «Уста-шогирд» тизими қўл келмоқда.

— Билим ва кўникмаларимизни амалиётда қўллаётганимиз кўнглимизни тўқ қилмоқда, — дейди ҳисобчилик бўйича пахта тозалаш корхонасида амалиёт ўтаётган Даврон Жуллибоев. — Амалиёт — биз учун катта синов. Ундан муваффақиятли ўтганимиздагина ишлаб чиқаришда ўрнимизни топган бўламиз.

Туман ҳокимлигида коллеж битирувчиларини мутахассисликка мувофиқ ишга жойлаштириш юзасидан аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, ишлар ана шу асосда ташкил этилган.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

● Жараён

Маҳалла — демократия бешиги

Фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларда давлат тузилмаларининг аралашувини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришни кўзда тутади. Таъкидлаш керакки, ҳар қандай ислоҳот мазмун-моҳияти кишилар томонидан тўла англангагина ўз самарасини беради.

Тарихдан маълумки, ўзбек халқи азалдан бошқарувнинг жамоатчилик шаклини ривожлантириб келган. Бинобарин, ўзини ўзи бошқарув тизими тарихий давлатчилигимизнинг ўзаги ҳисобланади. Ана шу концептуал ғояларга таянган ҳолда мамлакатимизда демократик жамиятни шакллантиришда маҳалланинг ролини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла тарбия беради» деган гап бор. Дарҳақиқат, маҳалла алоҳида аҳамиятга молик маскан бўлиб, у инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатади. Ўзбек фарзанди тарбияни айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури тўй-маъракалар, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг саҳардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир-бирига эзгу-тилаклар билдириб, салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта мактабдир.

Мустақиллик йилларида маҳалланинг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берилди. Жумладан, 1992 йил 12 сентябрда Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳақида ва 1993 йил сентябр ойида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун (1999 йил 14 апрелда янги таҳрир) қабул қилинди. Демократик жамиятни шакллантиришда маҳалланинг ўрнига бағишланган турли рисолалар чоп этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ўзига хос шаклини вужудга келтириш ва ривожлантириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу йил май-июн ойларида ўтказилиши белгиланган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчилари сайловлари фуқароларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бу муҳим тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. Зеро, маҳаллаларимизнинг келгусида янада чирой очиб бориши, ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларнинг бартараф этилиши сайланадиган раислар салоҳиятига боғлиқ.

Бахтиёр ШОИЗОҚОВ,
Бўка тумани

● Давра суҳбати

Муҳокамалар давом этмоқда

Республикамизнинг турли нуқталарида жамоатчилик вакиллари томонидан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Жумладан, Наманганда ҳам вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси ташаббуси билан мазкур масала юзасидан иккинчи марта давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатини вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси раиси П.Паязов кириш сўзи билан очиб, тақдим этилаётган қонун лойиҳаси, унинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидаги аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтди. Жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Унда назарда тутилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий, ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш каби масалалар бўйича кўзда тутилаётган ҳуқуқий нормалар юзасидан мулоҳаза юритилди.

Шунингдек, муҳокамада сўз олган Ички ишлар вазирлиги академияси ходими, майор З.Турсунов, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳуқуқ инспекцияси бўлими раҳбари И.Турсунов, «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи О.Узоқов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Р.Деҳқонова, Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси А.Маҳмудов қонун лойиҳаси бўйича ўз таклифларини билдиришди.

Тадбирда «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўйича жойларда муҳокамаларни ўтказиш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда тушаётган таклифларни умумлаштириб, тегишли ташкилотларга ўз вақтида юбориш тўғрисида келишиб олинди.

Қодир МАВЛОНОВ,
Наманган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси юридик бўлими мудири

Истеъмолчилар ҳуқуқи

Бугунги кунда истеъмолчилар томонидан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ тўловларини ҳисоблашда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан баъзи чалкашликларга, карздорликларни асоссиз тарзда ҳисоблаш ёки истеъмолчилар билан тузилган шартнома шартларини қўпол тарзда бузиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, нафақат истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига, балки улар манфаатига катта моддий зарар етказилишига ҳам сабаб бўлаётганлиги хусусида бот-бот гапирилаяпти.

Ҳисобланаётган қарздорликлар асослими?

Бироқ эслатиб ўтишнинг ўзи бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун камлик қилаётгандек, назаримизда. Муборак туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари истеъмолчилардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш чоғида бунга яна бир карра амин бўлишди.

Муборак тумани «Дўстлик» маҳалласи Автомобилчи кўчасида яшовчи Ҳ.Қаюмов ариза билан мурожаат қилиб, «Муборактумангаз» филиали ходимлари томонидан амалдаги тариф ва бошқа қоидаларга риоя этмасдан табиий газ тўловларидан асоссиз равишда 1075280 сўм қарздорлик ҳисоблаётганлигини маълум қилган. Мурожаат Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги «Табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Молия вазирлигининг реестрида кўрсатилган табиий газнинг нархи ва тарифларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилди. Ҳ.Қаюмов томонидан тақдим этилган бирламчи тўлов ва бошқа асословчи ҳужжатларга кўра унинг хонадонига ҳисобланган қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилинди. Ўрганишлар жараёнида фуқаро Ҳ.Қаюмов ҳисобига 2006 йилнинг 1 январ ҳолатидан 2011 йилнинг 1 март ҳолатигача табиий газ тўловларидан 1071830 сўм қарздорлик ҳисобланганлиги, аслида эса унинг тўловлардан қарздорлиги 624028,58 сўм бўлиб, «Муборактумангаз» филиали томонидан 447801,42 сўм қарздорлик асоссиз тарзда ортиқча ҳисобланганлиги аниқланди.

Албатта, қарздорликка ҳар икки томоннинг хатолари сабаб бўлган. Яъни, «Муборактумангаз» филиали назоратчиси томонидан амалдаги белгиланган тарифларга амал қилинмасдан, ортиқча қарздорлик ҳисобланишига йўл қўйилган, истеъмолчи Ҳ.Қаюмов томонидан эса табиий газ тўловлари ўз вақтида тўланмаган ва таъминотчи ташкилот билан ҳисоб-китоб қилиб борилмаган.

Шунингдек, Муборак тумани «Қурувчилар» маҳалласи Фурқат кўчаси 2-уйда яшовчи фуқаро Пак Вера ҳам «Муборактумангаз» филиали ходимлари томонидан кўрсатилаётган хизматдан норози бўлиб мурожаат этган. Яъни, газ идорасининг 2010 йил 1 январда берган маълумотномасида унинг ҳисобида 613136 сўм қарздорлик мавжудлиги кўрсатилган. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, «Муборактумангаз» филиали томонидан Пак Веранинг ҳисобига табиий газ тўловларидан 451110,44 сўм қарздорлик ошириб ҳисобланган.

Хўш, нега бундай ҳолатларнинг олди олинмаган ёки табиий газ етказиб берувчи ташкилот бу борада зарур чоратадбирларни белгиламаяпти?

Мурожаатларни ўрганиш жараёнида шу нарса аниқ бўлдики, «Муборактумангаз» филиали ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган, яъни истеъмолчиларнинг қарздорлиги бўйича йил охирида солиштирма далолатномалар тузиб борилмаган, тўловларни вақтида амалга оширмаган истеъмолчиларга огоҳлантириш хатлари берилмаган. Бундан ташқари, табиий газдан ГСХУ (ҳисоблагич ускунаси) орқали фойдаланиш ва белгиланган муддатларда давлат қиёсловидан ўтказиш бўйича истеъмолчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмаган.

Афсуски, истеъмолчиларнинг норозилигига сабаб бўлаётган бундай ҳолатлар электр энергияси таъминоти соҳасида ҳам учрамоқда. Муборак тумани Хитой қишлоғида яшовчи Ш.Бозоров туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ёзган аризасида электр тармоқлари корхонаси томонидан асоссиз қарздорлик ҳисобланаётганлиги баён этилган. Яъни, хонадонига замонавий электрон ҳисоблагич ускунаси ўрнатилгани, тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бораётганига қарамасдан электр тармоқлари ходимлари томонидан 470050 сўм қарздорлик ҳисобланаётгани билдирилган.

Мазкур мурожаат туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти мутахассислари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ҳамда истеъмолчи томонидан тақдим этилган бирламчи тўлов ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида Ш. Бозоровнинг хонадонига DDS-28X-русумли янги замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилгани, ҳисоблагичнинг давлат муҳри бузилмагани, ўрганиш кунида ҳисоблагич кўрсатгичи 1647кВт/соат экани аниқланди. Ҳисоблагич кўрсатгичи Ш.Бозоров амалга оширган тўловлар билан таққосланганда, истеъмолчи нафақат қарздор эмаслиги, балки ортиқча тўловни ҳам амалга оширгани маълум бўлди ва унга асоссиз тарзда ҳисобланган 470050 сўм қарздорликни бекор қилиш тўғрисида туман электр тармоқлари корхонасига кўрсатма берилди.

Тумандаги электр энергияси ва табиий газ таъминоти корхоналари мисолида истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишдаги бундай ноаниқликларни, асоссиз қарздорлик ҳисоблаш ҳолатларини келтиришимиздан мақсад мазкур соҳалар мутасаддиларини бу каби нохуш ҳолатларга чек қўйишга эътиборини қаратиш, қолаверса, истеъмолчининг ҳуқуқлари устувор эканлигини эслатиб қўйишдир.

Б. ЭШҚУВВАТОВ,
Қашқадарё вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси матбуот ва ахборот сектори бошлиғи

Ishonch
2011-yil 14-may № 60 (2941)

● *Фуқаролик жамияти сари*

Кейинги ўн йил турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган Концепция улар фаолиятини янада такомиллаштириш учун замин яратди. Жумладан, давлат аҳамиятига эга вазифаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

«Учинчи сектор»: имконият ва натижа

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Булар — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларидир.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Фуқаролар ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириши учун шароит яратилиб, бу жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Ўтган даврда мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам соҳа ривожига бўлган катта эътибордан далолатдир.

Айниқса, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилиндиким, улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти туфайли «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имкони яратилди. Бу эса ННТ фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ННТ иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, юқорида таъкидланганидек мамлакатимизда фаолият юритаётган 5300 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларидан уч юздан зиёди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси аъзоларидир.

Президентимиз Концепцияда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ННТнинг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлаб, улар жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаб, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланаётганини мамнуният билан эътироф этдилар.

Жойларда ташкил этилаётган фуқаролик жамияти институтлари тизимида ННТларни тобора ривожлантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўз самарасини бераётир. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йилларда ЎзННТМА қошидаги ННТ қўллаб-қувватлаш Фонди томонидан эълон қилинган бешта грант танловларида юзга яқин ННТ ғолиб бўлган бўлса, шулардан 27 таси ёшлар, 24 таси аёллар йўналишида фаолият юритаётган ННТлардир.

2010 йилда ҳам ННТларнинг энг фаоллари долзарб лойиҳалари билан грантлар соҳиби бўлишди. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтган йили ажратилган грант танловларида республикамиздаги юзга яқин ННТ ғолиб бўлиб, шулардан қирққа яқини Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси аъзоси ҳисобланади.

Мазкур грантлар тўрт йўналишда ташкил этилиб, биринчи танлов якунига кўра қуйидаги ЎзННТМА аъзолари грант соҳиби бўлишди. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси Ногиронлар жамияти, «Азим тафаккур» ёшлар маркази (Фарғона вилояти), «Родничок» ННТ (Тошкент вилояти), «Аёл ва замон» маркази (Сурхондарё вилояти), «Аёл ва шодлик» маркази (Сурхондарё вилояти), Республика Аёллар жамоат бирлашмаси (Тошкент шаҳри) «Меҳр» аёллар ННТ бирлашмаси, (Тошкент шаҳри), «Соғлом авлод учун» фонди Навоий вилояти бўлими, «Истиқболли авлод» маркази (Сирдарё вилояти), «Меҳригиё» аёллар маркази (Хоразм вилояти), «Ривож» маркази (Хоразм вилояти), «Соғлом авлод учун» фонди Хоразм вилояти бўлими, «Софдил» ногиронлар жамияти (Тошкент шаҳри), «Умидворлик» имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази (Тошкент шаҳри) грант танловида муносиб иштирок этиб, улар тавсия этган лойиҳалар грантга лойиқ деб топилди.

Иккинчи танлов якунига кўра, совриндорлар «Келажак нури» ННТ (Наманган вилояти), «Олима» аёллар Ассоциацияси Хоразм вилоят филиали ЎзННТМА аъзолари ҳисобланади.

Учинчи танлов якунига кўра, 25 та ННТ грант соҳиби бўлди, уларнинг 10 таси ЎзННТМА аъзоларидир: «Мадад»маркази (Бухоро вилояти), «Нафосат» (Тошкент шаҳри), «Ҳунарманд» ассоциацияси (Тошкент шаҳри), «Андижон» шаҳар адвокатлар коллегияси, «Яшил тўлқин» болалар экологик фонди (Самарқанд вилояти), «Лобар қизлар» ННТ (Фарғона вилояти), «Истиқболли авлод» ёшлар маркази (Сурхондарё вилояти), «Фарзанд» ННТ (Урганч шаҳри), Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар ўрнатиш жамоат уюшмаси (Тошкент шаҳри).

Жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва интилишларини рўёбга чиқаришига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Тўртинчи танлов айнан шу масалаларни ўз ичига олгани билан эътиборли. Якунларга кўра, 22 та совриндордан 12 таси ЎзННТМА аъзолари ҳисобланади ва уларнинг аксарияти айнан жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш фаолияти билан шуғулланиб келаётгани аҳамиятлидир. Айниқса, «Ҳаёт» Тошкент шаҳар ижтимоий-экологик жамоат бирлашмаси, Ногиронлар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани бўлими, Ногиронлар уюшмасининг Андижон, Сурхондарё, Жиззах вилояти Зарбдор тумани, Навоий шаҳар бўлимлари, Ногиронлар уюшмаси Навоий вилояти бўлими дирекцияси, Фарғона вилоятидаги «Иқтидор» имконияти чегараланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази, «Прометей» имконияти чекланган болалар ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази, Хоразм вилояти Имконияти чегараланган болаларни қўллаб-қувватлаш маркази, Ҳарбий фаолият ногиронлари Фонди бугунги кунда кенг кўламдаги амалий ҳаракатлари билан элнинг назарига тушиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ЎзННТМА ўз аъзолари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган, уларни керакли ахборот билан таъминлаш, зарур маълумотларни ўз вақтида етказиш мақсадида ассоциация ахборот сайти мунтазам янгиланиб борилмоқда. Шунингдек, ассоциацияга мурожаат этган ННТ вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ ва ўз вақтида жавоб олишаяпти. Жорий йилда ҳам ассоциация аъзолари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш ва кўплаб грантга лойиқ лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга татбиқ этишда давом этмоқда.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистонда меҳр топганлар

Ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик, миллий ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Бу борадаги эзгу ишларга турли вазирлик ва идоралар билан бирга, жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жумладан, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ёш авлод маънавиятини юксалтириш, улар қалбида эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтириш бўйича қатор хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур жамғарма ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган «Хотирада сақлаймиз» мавзуидаги авлодлар учрашуви бунинг яна бир далилидир. Унда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказларининг вакиллари, Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллатлараро тинчлик ва тотувликни сақлаш борасидаги изчил ишлар ёшларни бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, миллий ғояларга содиқлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Юртимизда инсон қадр-қимматини улуғлаш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронлари, ўша мураккаб даврда жабр кўрган минг-минглаб кишиларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга Болтиқбўйи давлатлари, Россия, Беларус, Украина, Молдова, Полша каби мамлакатлардан 250 минг нафардан зиёд болалар эвакуация қилинган. Саховатли, бағрикенг халқимиз миллати, тили, динидан қатъи назар, барча кўнгли ярим болаларни ўз фарзандидек қабул қилган. Уларга ўз уйидан бошпана бериб, сўнгги нонини улар билан баҳам кўрган. Халқимизнинг беминнат меҳр ва эътиборидан баҳраманд бўлган минг-минглаб болаларнинг таълим олиши, тарбияланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган.

— Ўша бешафқат уруш йилларида минглаб кўнгли ярим болалар каби мен ҳам Ўзбекистондан бошпана топдим, — дейди Станислав Мансуров-Ковриенко. — Шу ерда таълим-тарбия олдим, ўзбекистонлик меҳридарё одамларнинг яхшилигидан баҳраманд бўлдим. Шу табаррук заминни Ватаним деб биламан. Унинг фарзанди эканимдан ғоят фахрланаман. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида дунёнинг қайсидир мамлакатига 250 минг нафардан ортиқ гўдакни эвакуация қилиш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Шунча болага беминнат меҳр, ғамхўрлик кўрсатган Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг жаҳонда тенги ҳам, ўхшаши ҳам йўқ.

— Ўзбекистонга Украинадан келиб қолганимда икки ёшда эдим, — деб хотирлайди Фаина Амелина. — Аввал Қашқадарёда, сўнгра Тошкентдаги 30-Мехрибонлик уйида бошпана топдим. Уруш сабаб ота-онамни эслолмайман. Ўзбекча сўзлаб тилим чиқди. Эзгу инсоний фазилатлар, одамгарчилик нелигини шу замин одамларидан ўргандим. Шу ерда дастлаб ўрта махсус, сўнгра олий ўқув юртида таҳсил олдим. Қурилиш ташкилотларида муҳандис бўлиб ишладим. Оила қурдим. Икки фарзандим, невараларим бор. Урушдан жабр кўрган барча болаларни ўз фарзандидек бағрига олган, сўнгги бурда нонини ҳам турли миллат вакилларига илинган, қалби қуёш тафти сингари қайноқ ўзбек халқидан умрбод миннатдорман!

— Ўша оғир йилларни юракда ҳаяжон, кўзда ёш билан хотирлайман, — дейди Галина Михайлевич. — Ўзбекистонга Беларусдан эвакуация қилинганман. Урушнинг суронли йиллари киши тақдири ва қалбида чексиз оғриқли излар қолдирди. Уларнинг барҳам топишида ўзбекистонлик саховатпеша кишиларнинг хизмати катта. Узоқ йиллар алоқа ва ички ишлар соҳаларида ишладим. Шу мустақил юрт эришган ютуқлар барча каби мени ҳам беҳад қувонтиради. Ўзбекистон — барчамиз учун ягона ва муқаддас Ватан!

Икки авлод учрашувида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, бугунги тинч ва осуда, фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, қадрига етиш барчанинг бурчи экани алоҳида таъкидланди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбир доирасида юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг тинчлик ва дўстлик мавзуидаги тасвирий санъат асарларидан иборат кўргазма ҳам ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ХОАТБ «Asia Alliance Bank» қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

№	Омонат номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал	Омонат турларининг тўлиқ шартлари
	Миллий валютадаги омонатлар				
1.	«Альянс-Таътил»	90 кун	18 %	–	Фоизлар ҳар ойда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
2.	«Альянс-Бахт»	180 кун	20 %	–	Фоизлар ҳар ойда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
3.	«Альянс-Фаровон»	270 кун	22 %	–	Фоизлар ҳар ойда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
4.	«Альянс-Орзу»	365 кун	23 %	–	Фоизлар ҳар чоракда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
5.	«Альянс-Тараққиёт»	30 кундан 365 кунгача	- 30 кундан 60 кунгача 18 % - 61 кундан 90 кунгача 19 % - 91 кундан 180 кунгача 20 % - 181 кундан 270 кунгача 21 % - 270 кундан 365 кунгача 22 %	–	Фоизлар ҳар ойда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
6.	«Альянс-Ёшлик»	1 йилдан 3 йилгача	18 %	–	Омонат 13 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга очилади. Фоизлар муддат охирида берилади, капитализациясиз. Қўшимча бадал қабул қилинади.
7.	«Баҳор»	6 ой	24 %	–	Фоизлар ҳар ойда ва муддат охирида берилади, капитализациясиз.
	Хорижий валютадаги омонатлар				
1.	«Кафолат» — АҚШ долларида	3 ой	4,5 %	1000	Фоизлар бўнак тарзида ЎзР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
2.	«Сўғдиёна» — АҚШ долларида	6 ой	5 %	1000	Фоизлар ҳар ойда бўнак тарзида ЎзР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
3.	«Холис» — АҚШ долларида	1 йил	6 %	500	Фоизлар ҳар чоракда бўнак тарзида ЎзР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
4.	«Люкс» — ЕВРОда	5 ой	4 %	500	Фоизлар муддат бошида бўнак тарзида ЎзР МБ курси ҳисобидан сўмда берилади.
5.	«Болажон» — АҚШ долларида, ЕВРОда	1 йилдан 15 йилгача	6 %	–	Омонат 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларга очилади. Фоизлар муддат охирида берилади, капитализациясиз.

Сизларнинг омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2011 йил 16 июн куни аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда жойлашган, «Moddiy-Texnik Ta'minot Boshqarmasi»нинг 1979й.и\ч, д\р 10AX503, бошланғич нархи 3 200 000 сўм бўлган «ЗИЛ-130»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 18-уйда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти консалтинг марказининг 2006й.и\ч, д\р 01/878MBA, бошланғич нархи 7 650 000 сўм бўлган «Лада 21104-125-51»; 2008й.и\ч, д\р 01/858MBA, бошланғич нархи 8 500 000 сўм бўлган «Лада 11174-114-30»; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 15-уйда Тошкент вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармасининг 1997й.и\ч, д\р 01/309FAA, бошланғич нархи 9 148 950 сўм бўлган «Супер Салон» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «POYTAXT AUKSION» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «Toshkentvino kombinati» ОАЖнинг д\р 10AL953 бўлган «Зил 138а» — 8 400 000 сўмга; д\р 01/262MBA бўлган «Ласетти» — 17 250 000 сўмга; д\р 01/243KAA бўлган «КАВЗ 3976» — 7 050 000 сўмга; «Ўзбекенгилсаноат» ДАК «Ишлар бошқармаси» УК балансидаги д\р 10UZ407 бўлган «Опель Омега 2,6» — 13 500 000 сўмга; д\р 01/859DBA бўлган «Нексия ДОНС» — 13 000 000 сўмга; д\р 10DC193 бўлган «Нексия GLE» — 13 500 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг д\р 01/251ABA бўлган «ВАЗ-2106» — 3 750 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг д\р 10BD757 бўлган «ГАЗ 3102» — 4 000 000 сўмга; д\р 10BB720 бўлган «Нексия ДОНС GLE» — 8 600 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д\р 10TH013 бўлган «ГАЗ-3102» — 7 250 000 сўмга ҳамда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Неъмат кўчасида жойлашган сатҳи 0,03 га бўлган 1а, 2а-сонли ер участкалари 11 000 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Республика темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурод Собировга акаси

Ходжибой СОБИРОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгашининг мутахассиси Моҳира Ғуломовага отаси

ҒУЛОМ отанинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Абдусатторовга падари бузруквори

Абдусаттор АБДУЖАББОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Нилуфар Юсупова номига 04917-сонли 22 январ 2011 йилда берилган Аудитор малака сертификати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Олмазор туман Қизил-Қўшин кўча 84-уй соҳиби Турсун Содиқовага тегишли бўлган уй дафтари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ishonch
2011-yil 14-may № 60 (2941)

Хотира турнири

Касби туман марказий ўйингоҳида Номоз Сариқов ва Мусо Каромовлар хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича ўтказилган очиқ турнирда мамлакатимизнинг 200 дан ортиқ донгдор полвонлари иштирок этди.

Мардлар майдон ичида

Номоз Сариқов туманнинг Оқмачит қишлоғида туғилиб ўсган. Оддий чорвадорликдан хўжалик раиси, туманнинг биринчи раҳбари даражасигача бўлган вазифаларда ишлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салмоқли ҳисса қўшган. Ўзининг бутун куч ва билимини хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш, қишлоқларни ободонлаштириш, элюрт фаровонлигини оширишга сарфлаган.

Хўжа Касби қишлоғида туғилиб ўсган Мусо Каромов Тошкент давлат университети журналистика факултетини битириб, фаолиятини республика ёшлар газетасида бошлаб, бир неча йиллар «Ўзбекистон овози» газетасининг вилоят мухбири сифатида қалам тебратди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлган.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар бу табаррук инсонларни ҳурмат билан ёд этишди.

Касби туман ҳокимлиги, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган турнирда ғолибликни эгаллаган полвонларга қимматбаҳо совғалар берилди.

— Эл-юрт учун ҳалол хизмат қилган табаррук инсонлар хотираси қалбимизда абадий сақланади, — дейди воҳа оқсоқолларидан бири Тоштемир ҳожи Аминов. — Уларнинг хайрли ишлари давомчилари томонидан янада сайқал топаётгани кўнглимизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Самарқанднинг ҳаволари бошқача

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма қўмиталари томонидан ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, фахрийларни эъзозлаш, спорт-соғломлаштириш ҳамда кўмакка муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби йўналишларда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда ҳамда мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинаётир.

05:30

«Сени куйлайман, Ўзбекистон» санъат фестивалида қатнашиб Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳатга бепул йўлланма олган Сирғали тиббиёт коллежи қошидаги «Марварид» рақс дастаси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти Маданият саройининг «Миллий рақс ансамбли», «Тошкент трактор заводи» ОАЖ Маданият саройининг «Гулдаста» рақс ансамбли, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ДАЖ «Авиасозлар» Маданият ва техника саройининг «Веснушки» вокал-чолғу ансамбли иштирокчилари ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари тизимидаги кутубхона ходимларидан иборат жамоа Самарқанд шаҳрига йўл олди.

Нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик сайёҳларни-да ҳайратга солиб келаётган Самарқандининг ҳар қаричи муқаддас, тупроғи тўтиё. Лекин, у ерга бориб «Имом ал-Бухорий» зиёратгоҳи, Регистон, «Шоҳи Зинда» мажмуаси ҳамда Улуғбек обсерваториясини кўрмаслик дарёга бориб сув ичмай қайтишдек гап.

— Зиёратда яхши ниятлар қилдик, — дейди Сирғали тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Сайёра Алиева. — Яқинда 216 нафар ўқитувчи ходимларимизга Ўзбек Миллий театрида намойиш этилаётган «Кўнгил» спектаклига билет тарқатдик. Ишонч ҳосил қилдикки, эътибор ҳамиша ўзининг ижобий самарасини беради. Чунки, маънавий озуқа кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб янада мароқ билан меҳнат қилишга ундайди. Мана бугун Самарқанддамиз. Талабаларимизнинг ташкилотчиларга билдирган миннатдорчилигини кўрсангиз эди!

Зиёрат

— «Марварид» рақс дастамизнинг бошқаларга ўхшамайдиган жиҳати шундаки, Ойниса бувимдан эшитиб, ёзиб олган, ҳали ҳеч ким куйламаган халқ қўшиқларини куйлашга ҳаракат қиламиз, — дейди ўқитувчи Гулнора Ҳотамова. — Ўтган йили «Сени куйлайман, Ўзбекистон» санъат фестивалида иштирок этиб, туманда биринчи, шаҳарлараро босқичда 2-ўринни олиб Самарқанд шаҳрига бепул йўлланмани қўлга киритган эдик. Ўшандан бери ўқувчиларим бугунги кунни интизорлик билан кутишарди. Кўриб турибман, уларнинг қувончи ичига сиғмаяпти.

— Самарқандга илк бора келишим. У тасаввуримдагидан ҳам чиройли шаҳар экан, масза қилдик, — дейди қувонч билан талаба қизлар Нилуфар Қодирова ҳамда Дилшода Аҳмеджонова. — Афсуски, бу йил Сирғали тиббиёт коллежини битирамиз. Кейинчалик ҳам касаба уюшмамиз томонидан мана шундай ажойиб саёҳатлар уюштириб турилса, жуда хурсанд бўлардик.

15:30

Дилда бир олам таассуротлар билан Тошкентга қайтар эканмиз, автобусни қўшиқ оҳанги тутди. Гулнора опанинг Ойниса бувисидан ёзиб олган мана бу қўшиғи эса кўпчиликка манзур бўлди.

Бозордан олдим бир боғ похол,
Олдимга келади пахмоқ соқол.
На гумоним пахмоқ соқол,
Сан олдингми дўппини, вой, вой.
Оталар берсин дўппини,
Қудалар берсин дўппини.
Бозордан олдим битта ўроқ,
Олдимга келади Расул чўлоқ.
На гумоним Расул чўлоқ,
Сан олдингми дўппини, вой, вой.
Оталар берсин дўппини,
Қудалар берсин дўппини.

2011 йил, 10 май,
Тошкент-Самарқанд.

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

Чилонзор туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тадбир ўтказди.

Унда сўзга чиққанлар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий ходимларни байрам билан қутлаб, уларнинг маслаҳатлари ва бой тажрибаси баркамол авлодни тарбиялашда катта ўрин тутишини таъкидлашди. Шундан сўнг фахрийларга касаба уюшмаси совғалари топширилди. Театр санъаткорлари томонидан намойиш қилинган мусиқий дастур тадбирга байрамона руҳ бағишлади.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Чотқол қўриқхонасининг хушманзара доирасида жойлашган

Болалар соғломлаштириш оромгоҳи «КОНСТРУКТОР»

2011 йил ёз мавсумига талабномалар қабул қилади ва йўлланмалар сотади.

Соғломлаштириш мавсуми 4 сменада ташкил этилиб, ҳар бир смена 15 кундан иборат.

Мавсумнинг бошланиши — **14.06.2011 й.**
Йўлланманинг баҳоси **230 минг сўм**
Қийматига **5 мартали овқатланиш,** тоғларга сафарга чиқиш, бассейн, бўш вақтда маданий-спорт ўйинлар киради. Йўлланмаларни улгуржига олувчиларга чегирма билан сотилади.

Манзил: Олмазор тумани, Галаба -1
Тел: 248-15-01; 248-10-03

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Республикамиз кон-металлургия саноати ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган барча соҳа ходимларини, ишчи-хизматчиларини касб байрами — Кон-металлургия саноати ходимлари куни билан қизғин муборакбод этади.

Уларга сиҳат-саломатлик, оилаларига фаровонлик, Ватанимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатларига янада ривож ва муваффақиятлар тилайди.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay’ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e’lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko‘rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A.Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
N. Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

ISSN 2010-5002

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.00

Буюртма Г — 551

20225 nusxada bosildi

2345